

ТИҚХММИ Бухоро филиалида “Қизларжон” танлови ва “Ўзбек миллий либослари кўргазмаси

Республика Президенти томонидан илгари сурилган 5 ташаббусни кенг жорий қилишга қаратилган тадбирларнинг 5-ташаббуси доирасида талаба қизларнинг маҳоратини аниқлаш ва қизлар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этиши учун филиалда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. “Қизларжон” танлови 3 та шарт бўйича ўтказилади ва “Энг яхши миллий қадриятлар тарғиботчиси “ , “Энг саранжом қиз “ , “Энг моҳир пазанда”, “Энг маҳоратли қиз”, “Энг яхши саҳна кўриниши муаллифи” номинациялари бўйича ташкил қилинди.



Танловни ўтказиш бўйича филиал профессор-ўқитувчилари, мутахассислар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди. Талабалар томонидан шартлар бўйича тайёрланган ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов шартлари ва мезонлари асосида 5 баллик тизимда баҳоланди. Танлов ғолибларига номинациялар бўйича диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Байрам дастуридан “Ўзбек миллий либослари” кўргазмаси ҳам ўрин олган эди. Ташриф буюрган меҳмонлар ва талаба-ёшларга миллий либосларимизнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.



ТИҚХММИ Матбуот хизмати